



**БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИНИ КАСБИЙ МЕТОДИК  
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ТАРИХИЙ ПЕДАГОГИК  
ИЛДИЗЛАРИНИ АҲАМИЯТИ**

**Бекмуратова Шоҳида Нейматжоновна**

*Андижон давлат университети таянч докторанти*

*e-mail: [shokhida2020@gmail.com](mailto:shokhida2020@gmail.com)*

**Аннотация:** *Ушбу мақола ҳозирг изамонд адолзарб бўлиб ҳисобланган масала, яъни, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисини касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг тарихий педагогик илдизлари ҳақида ёритилган.*

**Калитсўзлар:** *композиция, образ, перспектива, ижодий қобилият, портрет, такомиллаштириш, натура, замонавий педагогик технологияга, дидактик принциплар, методик услуб.*

**ЗНАЧЕНИЕ ИСТОРИКО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КОРНЕЙ  
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-МЕТОДИЧЕСКОЙ  
ПОДГОТОВКИ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА**

**Бекмуратова Шоҳида Нейматжоновна**

*Докторант Андижанского государственного университета*

*e-mail: [shokhida2020@gmail.com](mailto:shokhida2020@gmail.com)*

**Аннотация:** *В данной статье освещаются историко-педагогические корни совершенствования профессиональной методической подготовки будущего учителя рисования.*

**Ключевые слова:** *композиция, образ, перспектива, творческая способность, портрет, совершенствование, натура, современная педагогическая технология, дидактические принципы, методический прием.*

Жахонда таълим муасасаларида, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришда моделлар ёрдамида давом етмоқда. “Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятида касбий тайёргарлик даражасини ошириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, креатив методикалардан фойдаланиб тасвирий санъат орқали халқнинг миллий кадрятларини намоиш этиш бўйича илмий ишлар олиб бормоқда.

Жахон таълими ва илмий тадқиқот муасасаларида тасвирий санъат рангтасвирни тадқиқод сифатида ўрганишда миллий ўзига хослик, бадий жараёнлар хусусиятлари ва ёрқин фономенлар ижодини ўрганиш методларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Миллий санъат тарихидаги муайян даврлар етарлича



ўрганиш, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон тарихига назар ташлар эканмиз тарихий ва батал жанрларида асар яратиш рассомларга аёнки йилларга, узоқ муддатга чўзилиб кетади. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси имкон қадар тарихий композицияларни яратишда ўша даврнинг оламига кириб борадиган бевосита ўша жойдаги образларни реал кўриниши жиҳатидан ҳам ҳар қандай томашабинни диққатини тортадиган, баҳри-дилини очадиган жиҳатларини тасвирлашга ҳаракат қилишлари лозим.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисини касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришда илм-фан каби дунёни, ҳаётни, табиатни, айниқса халқлар тарихини ўрганишга хизмат қилади. Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади. Бу вақтда кишилар теварак- атрофда содир бўлаётган воқеаларни, одам ва ҳайвонлар тасвирини тошларга чизиб, уларни кесиб турли кўриниш ва мазмундаги ҳайкалларни ясаганлар. Қадимдан кишилар санъат, табиат ҳодисалари ва кишиларнинг ўзаро муносабатлари, фаолиятларига, хулқига ижобий тасирлар кўрсатади, деб ҳисоблаганлар [1; 250-б.].

Дарҳақиқат айна вақтда ҳам тасвирий санъат асарлари орқали инсонларнинг нафосат бахш этади асарда тасвирланаётга қаҳрамонларга ўхшашга ижобий ёндашадилар. Демак бу билан яратилган тасвирий санъат асарлари тарбиявийлиги билан аҳамиятлидир. Халқимизда “Одобни одобсиздан ўрган” деган мақол бор. Тасвирий санъатда ҳам салбий воқеаларни образли қилиб тасвирланиб келинган, шу каби характердаги асарлар томошабинлари ўзларига ижобий хулоса чиқариб, бундай ёмон иллатлардан йироқ юрганлар.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисини айниқса, тарихий мавзудаги санъат асарларини тавирлай олиш учун ўша даврдаги табиат манзаралари, кишилар ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозимдир. Шуларни тўлиқ ўзлаштириб олибгина муккамал асар ярата оладилар.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси санъат тарихи метадалогиясини билиши зарур ҳамда булар уч даврни ўз ичига олади:

1. Ибтидоий жамоа санъати.
2. Қадимги Шарқ санъати.
3. Антик дунё санъати.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси маданият ва санъат равнақига замин бўлмиш ибтидоий жамоа санъатини тарихини чуқур англаб етишда тасавури бўлиши лозим. Бу ўз асарларида ўша даврнинг ҳаёт фаолиятини акс ёрқинроқ акс эттиришга ундайди. Ибтидоий жамоа тузуми санъати тарихи, одамзод тафаккури, ҳис-туйғуларининг пайдо бўлиши ва ривожланишидан бошлаб, ер юзида биринчи давлатларнинг юзага келишигача бўлган давр санъатини ўз ичига олади, ўрганади ва таҳлил этади.

Ибтидоий жамоа тузумидан бизгача ашёвий далиллар - меҳнат ва ов қуроллари, уй-анжом ва безак буюмлари, одамлар яшаган манзил қолдиқлари етиб келган. Шулар



ибтидоий жамоа кишисининг эстетик ва диний қарашларини билишга, ибтидоий жамоанинг маданияти ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Тупроқ остида қолиб кетган моддий ёдгорликлар, одам ва ҳайвонлар жасадининг қолдиқлари, ғор ва ертўла деворларига чизилган сурат ва бўртма тасвирилар ибтидоий жамоа даври тарихини ўрганишнинг муҳим манбайи ҳисобланади. [2;5-б] Бундай ёдгорликлар ҳар бир даврнинг хотираларни келажакда абадийлаштиришга асос бўлади.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси нафақат тасвирий санъатни, балки биология, тарих, география, халқ оғзаки ижоди, сақланиб қолган хилма-хил манбалар, физика, кимё, инфарматика фанларининг ҳозирги кундаги замонавий ютуқлари ҳамда тарихи ва санъати ҳақидаги маълумотлар композиция яратишда муҳимлигини англаб етиши зарур. Дунё тасвирий санъати ривожланишида Миср ва Юнонистоннинг ўрни бекиёс.

Қадимги Миср ва Юнонистонда эрамиздан аввалги 3-асрларга доир материаллар ҳам мавжуд. Қадимги Мисрда тоғ қояларига ўйиб ишланган ҳайкаллар, шунингдек рангтасвир асарлари ўзининг юксак бадиийлиги ва ишланиш техникаси жиҳатидан кишиларни ҳайратга солиб келмоқда[3; 204-бет].

Ушбу даврдан бошлаб, моҳир педагог рассомлар ўз тажрибаларини кейинги авлодларга турли йўллар билан ўтказиб келганлар ва бу ўз ўрнида устоз шогирт аналарини давомийлигидир. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси ҳар қандай санъат асарлари яратишда ўзлари олган билим кўникма малакаларни махсус мактабларда тарғиб этиши лозим. Бунга энгқадимги Мисрда расм чизишга ўргатишга доир тарихий манбалар гувоҳлик беради. Миср мактабларида расм ва чизмачилик интеграцион тарзда олиб борилган. Битирувчи мактаб ўқувчилари зиммасига бирор бир уй ёки бино планини улар атрофидаги сув ҳавзалари ва экин майдонларини юзини ўлчаб уларни чизмасини қоғозга тушураоладиган бўлишлари талаб этилган. Ўша давр ўқитувчилари болаларга расм чизишни ўргатишда кўпроқ табиатни кузатиш асосида эмас, балки намунадан, схемадан кўчириш орқали ўргатганлар.

Италиялик меъмор, артист, ёзувчи ва олим бир сўз билан айтганда санъат арбоби Л.Б.Албертининг фикрича: «Мисрликларнинг ёзишча, рангтасвир ишлаш уларда Юнонистондан олти минг йил аввал мавжуд бўлган». Демак Л.Б.Алберти бу сўзларидан Мисрнинг тасвирий санъати тарақиёти Юнонистондан олтининг йил илгари пайдо бўлган.<sup>1</sup>Буюк олим ва педагог Я.А.Коменский томонидан «Буюк дидактика» асарида умум таълим мактабларида ўқитилишининг фойдали томонлари баён этилган[4; 320-бет].

Франсуз олими Н.Н.Ростовсевнинг асаридаги қуйидаги битиклари “Борлиқни билишда натурага қараб расм ишлашнинг аҳамияти катта” келтирилган[5;239-бет]. Унга кўра тасвирий чизишма кўпроқ табиат қўйнида тасвирлашни юқори натижага эришилади. Негаки, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари борлиқнинг асл кўринишларини, перспектив қисқаришларини кўрадилар ва ҳис этадилар.

<sup>1</sup> Aksenova L.V., Gridina V.T. Volshebnyy barvinok: Xrestomatiya ustnogonarodnogotvorchestva. 1-5 klassy. - Donesk: OOO PKF "BAO", 2004. - 512 s.



Европа педагоглари орасида тасвирий санъат дарсларини олий ўқув билим юртларида алоҳида ўқув предмети сифатида ўқитилиши ва уни такомиллаштиришда И.В.Гёте (Германия), И.Г.Песталоцци, И.Шмидт ва П.Шмидт (Швецария), А.ДюпюиваФ. Дюпювдар (Франсия) каби олимларнинг ўрни беқиёс[6; 256-бет].

Шу йиллар давомида жамиятимизда ўқув жараёнларида эстетик ва бадиий таълим масалаларига долзарб муоммо сифатида қарала бошланди. Бу эса «Основные принципы трудовой школы» номли асосий ҳужжат ишлаб чиқилди ва унда “Эстетик таълим деганда қандайдир содда болалар санъатини ўқитилишини тушунмаслик лозим, у ҳиссиёт органлари ва ижодий қобилиятларни мунтазам ривожлантириб” бориши ҳақида сўз боради. Бу ҳужжатлардан кўриниб турибтики юртимиз мактаблари учун муҳим қадамлардан ҳисобланади.

Тасвирий санъатнинг ўқитилишини такомиллаштиришда 1955 йилда Низомий номли Тошкент давлатпедагогика институтида ташкил этилган бадиий-графика факултети катта рол ўйнайди. Мазкур факултетда кундузги, кечки ва сиртки бўлимлар орқали юқори малакали кадрлар тайёрлана бошланди. Шунинг ҳам қайд қилиш лозимки, мазкур факултетда дастлабки йилларда кадрларни касбий тайёргарлиги анча юқори бўлиб, ўша йиллар бу факултетда машғулотларни Республикамизнинг йирик рассомлари олиб бордилар. Масалан, Ўзбекистон халқ рассоми А.Абдуллаев, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган рассомлар Ю.Елизаров, М.Саидов, А.Юровский, Т.Оганесов, шунингдек Ленинград бадиий академиясини ва Москва бадиий институти янги битириб келган ёш лекин талантили рассомлар Р.Чориев, Н. Ковина ва бошқалар шулар жумласидандир[7; 124-бет]. Тасвирий санъатнинг ривожланишида, дунёга танитишда бой тарихга эга халқ сифатида бир қанча намоёндаларимизни, рассомларни санаб ўтиш ўринлидир. Тадқиқотишимизни ўрганишда Камолиддин Бехзод, Махмуд Музаҳҳиб, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Ўрол Тансиқбоевларнинг ижод йўли ўрганилди. Тасвирий санъатнинг ривожланиш тарихини Камолиддин Бехзод ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мумтоз мусаввир Камолиддин Бехзоднинг буюк санъаткор бўлиб етишишида дастлаб тасвирий санъат академиясининг таъсири жуда катта аҳамиятга эга бўлди[8]. Ўздавридаёқ Алишер Навоий портретини яратиш борасида Камолиддин Бехзод самарали ижод қилган. Шунингдек, Навоийнинг ҳаётига бағишланган ва Навоий портрети тасвирланган асарлари туфайли Хирот маданияти оламида танилади. Буюк рассом шарқ алломалари Шарофилдин Али Яздий, Абдурахмон Жомий, Амир Хусрав Дехлавий, Алишер Навоий, Низомий Ганжавий каби мутафаккирларнинг асарларни тасвир орқали янада жонлантирди, тарғи бэтди.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси касби жамият учун энг фахрлиси ва моҳияти жиҳатидан ниҳоятда муҳим эканлигини ҳис қилиши лозим. Ўқитувчи касби талаба ёшларга жамият ҳаёти, уларни бутун ҳаёти фаолияти давомида керак бўладиган билимларни беради. Уларга юксак ва олий жаноб фазилатлар билан қуроллантиради, давлатимиз учун керакли инсон бўлиб тарбиялаб жамиятимиз тараққиёти учун ёрдам беради оладиган шахс бўлиб йетишадилар.



Ёш авлотни буюк аждодларимиз тарихий тажрибаларини уларга ўрнатиб қилиб ўргатади.

Тарихга назар ташлар эканмиз буюк олим мутафаккирларни ҳам узтозлари бўлган шундан кўриниб турибдики, ўқитувчилик касби маъсулиятли ва шарафли касб эканлиги кўришимиз мумкин. Ҳозирги кунда ўқитувчиларимизга таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон фармони бунга мисол бўла олади[9; 24-бет].

Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида бу касб янада катта аҳамият касб этапти. Бўлажак тасвирий санъат ўқувчисининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришда шуни ёддан чиқармаслик керакки ёшларни юртимизнинг ўзини маънавияти ва маданияти, анъанаси ва урф-одатлари орқали тарбиялшлари даркор. Бўлажак тасвирий санъат ўқувчиси ўзига олий мақсадни қўйиши керак ўз-ўзини англаш, миллий истиқлол мафкураси асосида ўз Ватани ва халқига содиқ бўлган, янги баркамол авлодни тарбиялашдир. Ёшларни жамиятимизда ўз ўрнини топишда ўқитувчи фаолияти муҳим жараён ҳисобланади.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси шундай шахски, умоддий бойликлар ишлаб чиқариши билан эмас, ёш авлодни ёки дунёни, маънавиятини шакллантириш билан шуғулланиши лозим. Дунёга нафақат ёшларни тарбиялаб балки ўз ижоди билан ҳам миллатимизни танитиши лозим. Шундай экан ўқувчилик касби қийин, бироқ маъсулиятли эканлигини англаб етамиз. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси ўз фаолиятларида хато қилишлари мумкин эмаслиги агарда хато қилинса, ёш авлод келажагини барбод қилиши ёки мамлакатда нодон кишиларнинг бир бутун авлодини вужудга келтиришига сабабчи бўлиб қолишларини ёддан чақармаслиги зарур.

Тадқиқод ишимизда акс эттирилган қуйидаги илмий янгиликлар орқали тасвирий санъат дарсларида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг педагогик имкониятлари ўқув материални тўлиқ бажариш орқали ўқувчиларда “Муваффақият қозониш” номли композиция яратиш орқали ҳолатини вужудга келтириш асосида кенгайтирилган;

Олий таълим ўқув жараёнларида композиция ўқув фанини ўқитиш жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқувчисининг касбий методик тайёргарлигини ривожлантириш тизимини такомиллаштиришда ўқитишнинг мақсади, мазмуни, усуллари, шакллари ва воситалари ҳамда дарс лойиҳа (ишланма) ларини кўрамиз. Бу эса методик тизимини тузилмасини ҳосил қилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, республикамиз ҳамда хорижий таълим соҳасида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий-методик тайёрлаш муаммоси юзасидан, озми - кўпми саъйи ҳаракатлар мавжуд. Келажақда ҳозирги кунда долзарб бўлаётган муаммо ва унинг ечими устида олиб борилаётган ишлар натижаси яқин келажақда амалиётда ўз ижобий самарасини беради, деб таъкидлаймиз.



**АДАБИЁТЛАР:**

1. ҲасановР. Мактабда тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. -Т.: Фан. 2004.- 250 б.
2. МуратовХ. Қаламтасвир (ўқув қўлланма) Т. “Ижод-принт” 2020. 5 бет
3. Ҳасанов Р. Тасвирий санъат асослари. -Т.: Ғофур Ғулом. 2009.-204 б.
4. Коменский Я.А. Избранные педагогические сочинения. В 2-х томах. - М.: Учпедгиз, 1999. - 320с.
- 5.Ростовцев Н.Н. Методика преподавания изобразительного искусства в школе: Учебник для студентов худож. -граф. фак. пед. институтов. 2-е изд., доп. И перераб. - М.: Просвещение, 1980. - 239с.
6. Соколникова М.Н. Методика преподавания изобразительного искусства: учебник для студ. Учреждений высш. проф. Образования / Н.М. Соколникова.-6-е изд., стер.-М.: Издательский центр «Академия», 2013.-256 с.
7. Орипов Б.Н. Тасвирий санъатни ўқитишнинг замонавий педагогик технологияси, дидактикаси ва методикаси. -Н.: “НамДУ”, 2012. -124 б.
8. [хтпс://lex.uz/doss/-5085887](https://lex.uz/doss/-5085887)
- 9.Орипов Б.Н. Тасвирий санъатнинг ўқитишнинг замонавий педагогик техналогияси, дидактик методикаси Т.